Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 242 (4937).
28 ОКТЯБРЬ 1982 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига
Ўзбекистон ССР Министрлар Советига
республиканинг барча меҳнаткашларига

Азиз ўртоқлар!

Ўзбекистон ССР давлатга дон, сабзавот, картошка, хўл мева, узум ва полиз маҳсулотлари сотиш планларини бажарганлиги тўғрисидаги хабар КПСС Марказий Комитетида мамнуният билан кутиб олинди. Республика деҳқонлари ҳосил ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиб, шу йилнинг мураккаб об-ҳаво шароитларида давлатга бир миллион тонна дон сотдилар. Маккажўхорикорлар ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Уларнинг куч-ғайратлари туфайли маккажўхори экин майдонлари кенгайтирилди, республикада маккажўхори донининг ялпи ҳосили икки миллион тоннага етди.

Сабзавоткорлар, соҳибкорлар, боғдорлар ва полизчилар яхши ишладилар, улар давлатга 3 миллион 130 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари сотдилар, бу эса пландагидан 276 минг тонна кўпдир.

Суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга давлатнинг муттасил ортиб бораётган маблағларидан самарали фойдаланиш, комплекс механизациялаш ва химиялашни, фан ва илғор тажриба ютуқларини кенг қўллаш, республика ғаллакорлари ва сабзавоткорларининг ошиб бораётган маҳорати ҳамда фидокорона меҳнати, партия, совет, касаба союз, комсомол органларининг моҳирона ташкилотчилик ва сиёсий ишлари натижасида шундай муваффақиятга эришилди.

Колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, механизаторларни, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, тайёрлов, транспорт ва қайта ишлаш корхоналарининг ходимларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимларини катта меҳнат ғалабаси билан самимий табриклайман ва шу йилги ҳосил учун курашда актив қатнашган барча кишиларга астойдил миннатдорчилик изҳор этаман.

КПСС Марказий Комитети республика меҳнаткашлари, деҳқонлар етиштирган бутун ҳосилни муваффақиятли равишда йиғиштириб олишни ниҳоясига етказиш учун зўр куч-ғайрат сарфлайдилар ва ҳамиша бўлганидек, давлатга пахта сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарадилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада янги-янги муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдиради.

Л. БРЕЖНЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетида

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

ШАҲАРДАГИ РАЙОНЛАР, САНОАТ, ТРАНСПОРТ, ҚУРИЛИШ ВА АЛОҚА КОРХОНАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ 1982 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ЯКУНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети, шаҳардаги районлар, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги шу йилнинг тўққиз ойидаги социалистик мусобақа якунини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи районлар ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиққан **Октябрь районига** (район партия комитетининг секретари О. Расулов, район ижроия комитети раиси М. Аъзамов, район комсомол комитети секретари А. Мунавварова) берилди. Бу район меҳнат коллективлари социалистик мажбуриятларнинг анча ортиғи билан адо этилишини таъминлади, ялпи маҳсулотнинг ўсиши, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш суръатлари юқори бўлишига эришди.

Собир Раҳимов, Ленин, Ҳамза ва Чилонзор районларининг саноат корхоналари яхши ишлаганлиги таъкидланди. Бу районларда 1982 йилнинг январь-сентябрь ойларида асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича давлат плани адо этилди ва қабул қилинган социалистик мажбуриятлар ортиғи билан бажарилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети, Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг машинасозлик, электрон ва электротехника саноати корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроғи Тошкентдаги **«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси** коллективига (бош директори Ҳ. Алимов, партия комитети секретари Ю. Хитров, касаба союз комитети раиси Т. Чурякова, комсомол комитети секретари Ғ. Бахтиёров) берилди. Бу корхона коллективи шу йилнинг январь-сентябрь ойлари планини барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажариб, ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ўстиришда юксак суръатларга эришди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети, Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг енгил, озиқ-овқат, мебель, маҳаллий саноатнинг бошқа тармоқлари корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроғи Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлигига қарашли **Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси** коллективига (бош директори Ш. Аҳмадалиева, партия ташкилоти секретари А. Алимбоев, касаба союз комитети раиси С. Парфирова, комсомол комитети секретари К. Суворова) берилди. Бу корхона коллективи январь-сентябрь ойлари планини 100,9 процент бажариб, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръатлари 102,3 процент бўлишини таъминлади.

Шаҳар районлари орасида 1982 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра **Собир Раҳимов райони** ташкилотлари капитал қурилишда яхши кўрсаткичларга эришганликлари таъкидланди. Бу районда турар жойларни ишга тушириш плани 115,0 процент, асосий фондлар бўйича 115 процент, капитал маблағларни ўзлаштириш плани 105 процент, шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари бўйича 102 процент адо этилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи «Главташкентстрой»нинг **«Жилстрой» трести** коллективига (бошлиғи А. Исҳоқов, партия комитети секретари В. Мелкумов, касаба союз комитети раиси К. Абдуллаев, комсомол ташкилоти секретари З. Камолиддинова) берилди. Бу трест коллективи бош пудрат бўйича қурилиш-монтаж ишлари планини 101,9 процент, ўз кучлари билан — 106 процент адо этиб, меҳнат унумдорлигини ўстириш ва таннархни арзонлаштириш бўйича топшириқлар бажарилишини таъминлади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби учун таъсис этган кўчма Қизил байроғи **«Главташпассавтотранс»нинг 2-автокомбинат** коллективига (директори М. Левин, партия комитети секретари Л. Клестов, касаба союз комитети раиси Е. Молотков, комсомол комитети секретари Ф. Ниғмонов) берилди. Бу корхона коллективи фойда келтириш планини 102,7 процент, меҳнат унумдорлиги планини 101,6 процент адо этиб, тўловли километрлар плани 102,7 процент бажарилишини таъминлади, автомобиллардан фойдаланиш коэффициенти 0,889 бўлишига эришди.

Ўзаро мусобақадош районлар ўртасидаги шу йилнинг тўққиз ойи социалистик мусобақа якуни бўйича қуйидагилар ғолиб чиқишди: Киров ва Собир Раҳимов районлари ўртасидаги мусобақада — **Собир Раҳимов райони**; Акмал Икромов ва Сергели районлари ўртасидаги мусобақада — **Акмал Икромов райони**; Октябрь ва Чилонзор районлари ўртасидаги мусобақада — **Октябрь райони**, Ленин ва Фрунзе районлари ўртасидаги мусобақада **Ленин райони**; Ҳамза ва Куйбишев районлари ўртасидаги мусобақада — **Ҳамза райони**.

Шаҳар «Ҳурмат тахтаси»га 54 саноат, транспорт, алоқа, қурилиш-монтаж ва лойиҳа ташкилотлари коллективлари номи ёзилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетларига корхона ва ташкилотларнинг бошланғич партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари билан биргаликда тўққиз ойлик якунларини чуқур ва атрофлича анализ қилиш ва 1982 йил ҳамда бутун ўн биринчи беш йиллик учун қабул қилинган давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича конкрет тадбирлар белгилаш таклиф этилди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясига районлар, корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги 1982 йил учун қабул қилинган давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин бажариш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритиш таклиф этилди.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг табригига жавобан

ТОШКЕНТ СТУДЕНТ ВА ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ЗАРБДОР ВАХТАСИ

Ўзбекистоннинг 6 миллион тонналик «оқ олтин» хирмони учун кураш ҳал қилувчи босқичга кирмоқда. Ишимизнинг муваффақияти бугунги кунда етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай ўз вақтида териб олишда деҳқонларга ёрдам бериш, пахта далаларида меҳнат қилаётган ҳар бир кишига боғлиқ.

«Оқ олтин» теримини муваффақиятли якунлашга Тошкент корхоналари ва ташкилотларининг меҳнатчилари, пойтахт ўқув муассасаларининг студент ва ўқувчилари салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан улар етиштирилган ҳосилни сўнгги кўрагигача йиғиб-териб олиш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар.

Гулистондан, пахта терими бўйича область штабидан бизга хабар қилишларига қараганда дон, сабзавот, картошка, хўл мева, узум ва полиз маҳсулотларини давлатга сотиш планларини муваффақиятли адо этганликлари муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон меҳнаткашларига йўллаган табригига бағишлаб кеча штабнинг мажлиси бўлиб ўтган.

— Пахта далаларида меҳнат қилаётган Тошкент студент ва ўқувчилари, — деди мухбиримиз билан суҳбатда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов, — зарбдор меҳнат вахтасига турдилар ва СССР Олий Советининг бўлажак сессияси шарафига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар.

Сессия очиладиган кунга қадар ҳар бир студент 800 килограммдан, ҳар бир техникум ўқувчиси 600 килограммдан ва ҳунар-техника билим юртларининг ҳар бир ўқувчиси 500 килограммдан пахта териб беришга қарор қилдилар. Ҳозирда пахта далаларида меҳнат қилаётган студент ва ўқувчиларга ана шу ташаббусга қўшилинг, деб мурожаат қабул қилинди. Бу Тошкент ёшларининг 6 миллион тонналик Ўзбекистон пахта хирмонининг бунёд этилишига, юбилей йили «оқ олтин» териминнинг муваффақиятли якунланишига қўшган муносиб ҳиссаси бўлади.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА — 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — ЯГОНА ОИЛАДА

Мамлакатимизда СССРнинг 60 йиллигига бағишланган 51-зарбдор ҳафта давом этмоқда. Бу ҳафта Ўзбекистон ССРга бағишланган.

ҒАЛАБА РАПОРТИ

«Узирмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги экскаватор ремонти тажриба-механика заводи республика халқ хўжалигида етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. У чорак асрдан буён экскаваторлар, дизеллар, гидрокўтаргичлар, мураккаб металл конструкцияларни ва кўчма вагонлар тайёрлаб бераётир.

Корхонанинг Андижон, Гулистон, Самарқанд шаҳарларида филиаллари ишга туширилиши натижасида ишлаб чиқариш қуввати янада ошадиган бўлди.

Ҳозирги пайтда бу заводнинг бир йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 13 миллион сўмдан иборат. Унинг маҳсулотлари Чимқўрғон, Каркидон, Тошкент, Зомин, Андижон сув омборлари қурилишида қўл келди. Бундан ташқари Куба, Вьетнам, Ангола, Сурия, Афғонистон мамлакатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Бирлашманинг бу заводи куни кеча улуғвор 11-беш йилликнинг иккинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажарганлиги ҳақида ғалаба рапортини берди. 12 миллион 910 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Планга қўшимча 392 минг сўмлик ҳар хил буюртмалар адо этилди. Машинасозлар онаВатаннинг катта тўйига қадар яна 150 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга бел боғладилар.

Т. ШОЮСУПОВА.

ИЛҒОР БРИГАДА ҒАЙРАТИ

Пойтахтимизнинг Лоҳутий ва Кафанов кўчалари муюлишида 64 хонадонга мўлжалланган замонавий бинонинг биринчи корпуси ўз эгаларига топширилиш арафасида турибди. Ҳозир бинода 11-«Висотстрой» трестига қарашли 76-қурилиш бошқармасининг курувчилари Ўзбекистон ССРга бағишланган 51-зарбдор ҳафтада қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишмоқда.

Бошқарма коллективи асосан сувоқчи ва бўёқчи бригадалардан ташкил топган. Бошқармада илғор бригадалар кўпчиликни ташкил этади. Бунинг асосий сабаби социалистик мусобақанинг тўғри йўлга қўйилганлигидир. Коммунист Соня Гаджатулина етакчилик қилаётган сувоқчилар бригадаси аъзолари илғорликни ҳамон қўлдан бермай келяпти. Бригаданинг кўпчилиги комсомол ёшлардан иборат. Жумладан, Акмал Ҳакимов, Бахтиёр Розиқов, Юра Хам ва Валентина Клецко каби ёш, аммо қўли гул сувоқчилар ўзларининг кунлик нормасини 110—115 процент қилиб уддаламоқдалар. Уларнинг шу кундаги мақсади битта. У ҳам бўлса, бинодаги сувоқ ишларини қисқа муддат ичида тамомлаб, СССР ташкил топганлигининг 60 йиллик юбилейига муносиб меҳнат туҳфаларини тайёрлашдан иборатдир.

Т. НИЁЗОВ.

Оқшом суҳбатлари

ЯХШИЛАРНИ АВАЙЛАНГ

Техника фанлари кандидати Э. Ёқубовнинг шу сарлавҳали мақоласида ҳаётимизнинг жўшқин равнақи, жамиятимизнинг маънавий тараққиёти ва келажак авлодларимизнинг бахтли кунлари ҳурмати яхшиларни авайлаб-асраш ҳақида, уларнинг қадрига етиб эъзозлаш тўғрисида атрофлича фикр юритилади.

●

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

Бугун ана шу анкета саволларига республикамиз кўзи ожизлар учун чиқариладиган «Бир сафда» журналининг бош редактори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Карим Аҳмедовнинг жавоблари эълон қилинмоқда.

●

ҚУВОНЧ ҲАМ ЎРТАДА, ТАШВИШ ҲАМ

Шу сарлавҳали мақолада халқимизнинг қадимдан эъзозлаб келаётган ҳамжиҳатлиги ҳақида, кишиларнинг бир-бирига меҳрибонлиги тўғрисида, ишхоналарда коллективизм руҳини тарбиялайдиган омиллар хусусида, коллективизм туйғусидан узоқ бўлиш одамни беихтиёр худбин қилиб қўйиши ҳақида ҳаётий мисоллар асосида ҳикоя қилинган.

●

НОШУД КЕЛИНЧАК

Ушбу мақолада ҳаётга енгил-елпи қарайдиган баъзи ёшлар танқид ўти остига олинган, ҳаёт дақиқаларининг сермазмун ва ширин бўлишида қайнона, келин ва эрнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги катта аҳамият касб этажаги тўғрисида фикр юритилади.

Биз ҳаммамиз — пахтакормиз

Пахтазордан дараклар № 26

☆ Тошкент область Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоз заршунослари социалистик мажбуриятларини ҳам бажардилар. 1 минг 370 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиниб, давлатга 4 минг 900 тоннадан ортиқ юқори сифатли «оқ олтин» етказиб берилди.

☆ Бўка районидаги «Бўка» совхози пахтакорлари халқ хўжалик планини адо этди. Тайёрлов пунктларига 6 минг 702 тонна «оқ олтин» топширилди.

☆ Дала меҳнатчилари, ҳашарчи ўртоқлар! Пахта ҳар биримизнинг виждоний ишимиздир. Шу боис об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, пахтазорда жасорат кўрсатайлик! Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 65 йиллигини меҳнатда катта ютуқлар билан кутиб олайлик!

«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 27 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	0,23	106,39
Хоразм	0,61	97,65
ҚҚАССР	0,87	94,14
Бухоро	0,70	92,00
Навоий	0,44	86,37
Сурхондарё	0,67	84,10
Сирдарё	0,19	79,62
Жиззах	0,20	75,78
Қашқадарё	1,00	74,57
Наманган	0,38	74,21
Андижон	0,49	73,71
Самарқанд	0,73	72,62
Фарғона	1,02	70,14
Республика бўйича:	0,61	82,03

Герман Титов номли 6-совхоз. Тошкентликлар ана шу хўжалик меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

СУРАТДА: Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг энг яхши теримчилари М. Олимжонова ва М. Тўланова терилган пахтани топширишяпти. Ўқитувчи Э. Илёсов уларнинг меҳнатидан мамнун.

М. Нуриддинов фотоси.

Махсус мухбирларимиз Ҳ. Икромов, А. Хатамов, А. Эгамназаровлар Сирдарё ва Жиззах областларидан хабар қиладилар:

• Улуғ Октябрь шарафига

20. ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

◉ «ЎРОҚ ВА БОЛҒА» ИТТИФОҚИГА САДОҚАТ ◉ 95 ПРОЦЕНТ ҲОСИЛ МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА ТЕРИБ ОЛИНДИ ◉ ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ — АМАЛДА.

АНКЕТА САВОЛЛАРИ:

1. Бахт деганда нимани тушунасиз!
2. «Меҳнат семестри»га муносабатингиз қандай!

Бугун анкетамиз саволларига Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти қишлоқ хўжалиги машиналари факультети 4-курс студенти Болбек ТУРСУНМАТОВ жавоб беради:

1. Тани-жони соғ, севганига етишиб, тотув оила қурган кишиларни бахтиёр ҳисоблайман.

2. Ҳар бир меҳнатнинг ўзига яраша гашти бор. «Меҳнат семестри»да киши тоза ҳавода жисмоний меҳнат қилади. Кишининг мияси дам олади, кечаси роҳат қилиб ухлайди. Меҳнат хилини ўзгартириб туришни врачлар ҳам маслаҳат беришади. Шу маънода мен «Меҳнат семестри»ни фойдали деб биламан.

Сирдарё областининг пешқадам Оқолтин район маркази, 17-совхоз марказида жойлашган. Бу совхоз Мирзачўл комплекс ўзлаштирила бошлаганидан кейин дастлаб ташкил этилган хўжаликлардан. Совхознинг марказий посёлкаси Оқолтин район марказига айлантирилганидан кейин бу ерда ободонлаштириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Ҳозир у шаҳарча қиёфасига эга.

Оқолтин Сирдарё областининг машъал районларидан ҳисобланади. Бу район ғўзани парваришлашнинг янги усулларини қўллашда, фан ютуқларини жорий этишда, Тошкент технологиясини оммалаштиришда намуна ҳисобланади. Район партия ташкилотига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Тетуев бошчилик қилади. Шамсиддин Жунусович илгари 3-Боёвут совхозига кўп йиллар директорлик қилган. Қолоқ хўжаликни пешқадамлар сафига олиб чиққан. Эндиликда район партия ташкилотига ҳам моҳирлик билан бошчилик қилаяпти.

— Бу йил деҳқончилик учун нисбатан оғир келди, — деди Шамсиддин Жунусович биз билан суҳбатда.— Баҳорда ёғингарчилик бўлмай қийналгандик, йиғим-терим мавсумида эса ёғингарчиликнинг нормадан ортиқча бўлаётганлиги ишга халақит бераяпти. Аммо ҳосил салмоғи чакки эмас, биз бу ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай териб оламиз.

Район партия комитетининг биринчи секретари хонасидаги суҳбат пайтида Сирдарё область партия комитетининг секретари Мирзатой Умбетович Умбетов ҳам иштирок этди. У оқолтинликларнинг катта пахта хирмони учун олиб бораётган курашига Тошкент Давлат университети, Тошкент гидромелиорация, электромеханика, маданий-оқартув техникумлари студентлари ғайрат билан меҳнат қилиб, муносиб ҳисса қўшаётганликларини таъкидлади.

Оқолтин райони юбилей йили учун олган мажбуриятларида давлатга 85 минг тонна пахта, 25.300 тонна дон, 4800 тонна сут, 665 тонна гўшт ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш белгиланган. Бу мажбуриятларнинг пахтадан бошқа деярли ҳаммаси бажарилди. Ҳозир пахта тайёрлаш бўйича план ва мажбуриятларни муваффақиятли адо этиш учун кураш кенгаймоқда. Районда «Фарғона», «Андижон», Р. Мусамуҳамедов номли совхозлар биринчилардан бўлиб марраға етишди.

Ҳозирги пайтда пахта етиштиришнинг Тошкент технологияси республиканинг барча хўжаликларига кенг ёйилмоқда. Техникадан самарали фойдаланишни кўзда тутадиган бу усул ишчи кучи танқис бўлган Мирзачўл шароитида айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Оқолтин районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Собиржон Сиддиқов бошчилик қилаётган «Фарғона» совхози айнан Тошкент технологияси ва ипатовликлар методини кенг жорий этиш асосида йиғим-терим ишларини қисқа муддатда, тез ва соз ўтказишга муваффақ бўлмоқда. Бу хўжаликда пахта тайёрлаш давлат плани икки ҳафтада бажарилди. 5532 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олинди. Она-Ватан хирмонига 20 минг тоннага яқин пахта тўкилди. Бу ҳосилнинг 95 проценти машиналар ёрдамида териб олинди.

«Фарғона» совхози 1965 йилда ташкил этилган. Қисқа вақтда рентабелли совхозга айланди. Республика партия ва ҳукуматининг қарори билан бу йил «Фарғона» совхози базасида «Оқ олтин» аграр саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Ҳозир бу бирлашма дастлабки қадамларини қўймоқда. Унда чорвачилик ва сабзавот маҳсулотлари, асал, маккажўхори дони етиштирилади. Бу билан чўлқуварлар партиямизнинг Озиқ-овқат программасининг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

(Давоми 2-бетда)

21. Дур теради ТошМИ қизлари

(ДАВОМИ. БОШИ 1-БЕТДА).

⊙ ТОШМИНИНГ 7238 ПЕДАГОГ ВА СТУДЕНТИ ПАХТАКОР РАЙОНИДА ТЕРИМДА ҚАТНАШМОҚДА. ⊙ ҲОЗИРЧА 2-ДАВОЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ СТУДЕНТЛАРИ ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛИШЯПТИ. ⊙ ҲАР БИР СТУДЕНТ ЎРТАЧА ИККИ ТОННАДАН «ОҚ ОЛТИН» ТЕРИБ БЕРИШГА АҲД ҚИЛГАН.

АНКЕТА САВОЛЛАРИ:

1. Бахт деганда нимани тушунасиз!
2. Меҳнат семестрига муносабатингиз қандай!

Бугун анкета саволларига теримда пешқадам 2-даволаш факультетининг III курс студенти **Галина ЛИ** жавоб беради:

1. Бўлажак врач сифатида ҳамма соғ-саломат юрса, ўзимни бахтиёр сезаман. Касбим одамларга фойдали эканлигидан мамнунман.

2. Меҳнат семестри керак. Майли, студент фақат ақлий эмас, жисмоний жиҳатдан ҳам чиниқсин. Бу ерга учинчи марта чиқишим. Шароит жуда яхши, фақат отам Сергей Лини ва онам Людмила Кимни соғиняпман. Аммо уларга газетангиз орқали: «Ҳеч мендан ҳавотир олманглар, ҳамма дугоналарим қатори жуда яхши юрибман. Кунига 80—85 килограммдан пахта теряпман» деб айтишни истардим.

ТошМИ штабига қоронғу тушганда кириб келдик. Бу ерда штаб бошлиғи ҳам, унинг ёрдамчилари ҳам ҳашарчилар ҳузурига жўнаб кетишибди. Негаки, ҳар бир дақиқа қимматли бўлган шу кезларда бевосита жойларда бўлиш, аҳволни ўша жойнинг ўзида таҳлил этганга не етсин! Кўп ўтмай студентларнинг олд группалари теримдан қайтиб кела бошлашди. Уларнинг руҳлари тетик, шўх ҳазил-мутойибалар, қўшиқлар янграрди. Шуни айтиш керакки, студентларни пахтазорларга машина олиб бориб қўйяпти ва олиб келяпти: транспорт масаласи пухта ҳал этилган.

Штабда ҳаёт жўш уриб турарди. Телефонлар устма-уст жиринглар, штабга бири келиб, бири кетарди. Телефон трубкасини кўтардик. Иккинчи даволаш факультети штабидан қўнғироқ қилишаётган экан. Хонаси келгани учун уларнинг қандай теришаётганини суриштирдик. Маълум бўлишича, биринчи беш кунликда бу факультет студентлари 452 тонна пахта териб, ТошМИ бўйича биринчи ўринни эгаллашибди, ҳар бир студент ўртача 61 килограммдан дурдона терибди. Шу факультетнинг учинчи курс студентларидан Игорь Киняшин ҳар куни 200 килограммдан «оқ олтин» термоқда, Замира Бегматова эса 150-170 килограммдан дур териб беряпти.

Штабга кетма-кет факультетлардан бугунги терилган пахта ҳақида справкалар, маълумотлар келиб турди. Уларда биринчи даволаш факультетининг студентларидан Зоҳир Худойберганов, А. Мусулмонов, О. Эргашева каби пешқадамларнинг терган пахталари 500 килограммдан ошиб кетганини кўриш мумкин эди. Санитария-гигиена факультетининг биринчи курс студентлари факультет бўйича пешқадамликни қўлдан беришмаяпти.

Тун қоронғусида ТошМИ проректори Акром Иброҳимович Мўминов пахтазордан қайтиб келди. Биз у билан суҳбатлашгач, бутун ТошМИ бўйича қайноқ меҳнат манзарасини тўлалигича тасаввур қилдик. Биз бу ерга келмасдан аввал ТошМИнинг дастлабки беш кунликда Жиззах область қишлоқ хўжалик бошқармасига қарашли совхозларда теримда қатнашаётган ҳашарчи институтлар ўртасида биринчи ўринни эгаллашганлигини билиб олган эдик. Акром Иброҳимовични бу ғалаба билан табрикладик.

—Ана шу суръатни асли бўшаштирмасликка интиляпмиз, — деди у. — Бу борада иккинчи даволаш факультети катта ҳиммат кўрсатяпти. Ҳозир теримда институт бўйича 7 минг студент қатнашяпти. Бундан ташқари институтимизнинг 800 га яқин субординаторлари бошқа кўпгина хўжаликларда ҳашарчиларга кўмаклашмоқдалар. Биз 13 йилдан буён Пахтакор районидаги «Самарқанд» совхозига келяпмиз. Байрам шарафига меҳнат вахтаси эълон қилинган. Ҳар бир студент камида 2 тоннадан «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олган.

ТошМИнинг минглаб студент қизлари ва йигитлари Жиззах области пахтакорларига мададкор бўлмоқдалар.

СУРАТДА: юқорида—Пахтакор районида теримда жонбозлик кўрсатаётган студентлардан бир группасини кўриб турибсиз, Ўртада—ТошМИнинг ўқув ишлари бўйича проректори, медицина фанлари доктори, профессор Акром Иброҳимович Мўминов навбатдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда. Пастдаги суратда эса Кичанов номли совхозда завқли меҳнатдан сўнг мароқли дам олаётган студентлар.

М. Нуриддинов фотолари.

Биз эрталаб пахтазорларда бўлганимизда студентларнинг аҳдупаймонлари қатъий эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Иккинчи даволаш факультетининг студентлари 17 октябрь куни ажойиб ташаббус билан чиқишди. Улар камида 3 тонна «оқ олтин» териб беришга аҳд қилишди. Институт ректорати, партия ва комсомол ташкилотлари бу ташаббусни кенг ёйишга интилдилар. Барча факультетлар теримда юксак интизом ва уюшқоқлик кўрсатиш, социалистик мусобақада олдинги сафда бориш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар.

Бир нарса кишини ғоят севинтиради. ТошМИ қизлари ва йигитлари пахта тераётган «Самарқанд», Кичанов, Акмал Икромов номли, «Пахтакор» ва бошқа хўжаликларда улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ҳар бир студентга ҳар куни 150 грамм гўшт, 30 грамм сариёғ, ярим банкадан сут ва консерва гўшти, истаганча нон, шакар берилмоқда. Биз дала шийпонларида нонушта ва тушлик чоғларида шакарқопнинг оғзи очиқ турганининг, ундан студентлар хоҳлаганича тамадди қилишаётганининг гувоҳи бўлдик. Овқат сифатига врач, бригадир ва студентлардан бири — активист қўл қўяди. Ҳар пайшанба куни студентларга палов дамланмоқда. Ҳар бир факультетнинг ўз ансамбли бор. Институт партия комитетининг секретари Т. Даминовнинг айтишича, ҳар бир факультетнинг ўз сиёсий ахборотчилари бор. Масалан, доцент А. Воисов, иккинчи даволаш факультетидан О. Парпиев жамоат топшириқларини сидқидилдан бажаришяпти.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор Акром Иброҳимович Мўминов бошчилик қилаётган ТошМИ штаби республикамизнинг 6 миллион тонналик улкан хирмони учун катта кураш кетаётган ҳозирги паллада ташаббускорлик ва жанговарлик руҳида иш олиб бормоқда.

(Давоми бор).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

ПРАГА. Остравада бўлиб ўтган кўргазма «Совет кишиларининг жасорати» деб аталади. Бу кўргазма СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига ҳамда Сталинград жангининг 40 йиллигига бағишланди.

Кўргазмада уруш давридаги фотосуратлар, ҳужжатларнинг нусхалари, уруш ҳақидаги китоблар, қурол намуналари қўйилган. Махсус бўлим СССРнинг Чехословакияни озод этишдаги роли ҳақида ҳикоя қилади. Экспозициялардан бири Совет Иттифоқи маршали А. И. Еременкога бағишланади. Совет жангчилари унинг қўмондонлиги остида Остравани озод этганлар.

* * *

МАДРИД. Испания пойтахтидаги ҳарбий заводлар меҳнатчиларидан 2 мингдан ортиқ киши маъмуриятнинг ишчиларга қарши сиёсатига нисбатан норозилик намойиши ўтказдилар. Намойишчилар янги меҳнат шартномалари имзоланишини ва иш ҳақи оширилишини талаб қилдилар.

Намойишдан сўнг бўлиб ўтган митингда Испания демократик касаба союзлари бирлашмаси намояндалари сўзга чиқиб, ҳукумат қуролланиш учун миллиардлаб маблағ сарфлаётган бир пайтда ишчилар меҳнатлари учун арзимас ҳақ олаётганликларини таъкидладилар.

* * *

ЛОНДОН. Англиядаги 140 шаҳарнинг муниципал кенгашлари ўз территорияларини «ядро қуролидан холи бўлган зоналар» деб эълон қилиб, консерватор ҳукуматининг ядро ҳужумидан ҳимоя қилишга тайёргарлик борасида ҳар қандай тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги талабларини бажаришдан қатъиян бош тортдилар. Буюк Британия ички ишлар министрлигининг вакили ана шуни эътироф этди. Муниципал кенгашлар, шунингдек консерватив ҳукумат мўлжаллаётган «Хард рок — 82» деб аталган йирик миқёсдаги граждан мудофааси машқларида иштирок этишдан ҳам бош тортганлар.

Бу шаҳарларнинг муниципал маъмурлари ҳукуматнинг бундай тадбирларни амалга оширишни мажбурий қилиб қўядиган махсус «қоидаларни» қонунлаштириш йўлидаги ҳар қандай ўринишларига қарши кураш олиб боришга тайёр эканликларини таъкидладилар.

(ТАСС).

Хроника, хабарлар

ТОКИО. Шаҳар полициячилари учун мунтазам равишда ташкил этилиб турадиган сўнгги семинар уларни ғоятда қизиқтирди. Семинарда сўзлаётган К. Такадзаванинг ҳар бир сўзини пойтахтдаги минглаб тартиб ўрнатувчилар оқизмай-томизмай тинглаб турадилар. Бу киши уч юздан кўп уйга ўғирликка тушганди. Яқинда навбатдаги қулфни бузаётганида қўлга тушган тажрибали ўғри «сидқидилдан афсус-надомат чекиб» уй эгаларига бир неча фойдали маслаҳатлар беришга қарор қилди.

Кейинги пайтларда Токиода уй молларини ўғирлаш анча кўпайганлиги муносабати билан маъмурлар ўғрининг истагига жиддий қарадилар. Полициячилар семинарида ўғрининг гаплари тинглангандан сўнг унинг маслаҳатлари уй эгалари ва ижарачилар учун «ўгит» сифатида расман тавсия қилинди. Шу маслаҳатларни билишни хоҳловчилар кўп.

* * *

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия аҳолиси, айниқса қишлоқ районларининг аҳолиси, тузга бағоят ҳурмат билан қараши ажнабий сайёҳларни кўпинча ҳайратга солади. Бунинг сабаби шуки, Эфиопияда кўп асрлар мобайнида туз мол айрибошлашда... пул ролини бажарган.

Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши, Қизил денгиз соҳилидаги Асаба ва Массауа шаҳарларида туз конларидаги ишлар механизациялаштирилиши муносабати билан энди бир ғўла тош туз олтин ёки кумушга бараварлаштирилмайдиган бўлиб қолди. Аммо мамлакатнинг шимоли шарқидаги Данакил пастлиги районида, шу минерал ётувчи энг катта марказда туз ортган туя карвонлари ҳозирги кунларда ҳам кўзга ташланиб туради.

Ҳозир тузни ҳар бир магазиндан бемалол сотиб олиш мумкин. Лекин Эфиопияда кўп асрлар аввал туз тежалганлиги ва унга ҳурмат билан қаралганлиги ҳамон авлоддан авлодга ўтиб бормоқда.

* * *

БОГОТА. Лотин Америкаси қитъасидаги катта ёшдаги аҳоли орасида 43 миллиондан кўпроқ киши саводсиздир. Колумбияда чиқадиган «Семана» журнала эълон қилинган маълумотларга кўра Гватемалада 51,8 процент, Гондурасда 40,5 процент, Сальвадорда 40,3 процент саводсиз борлиги қайд этилган.

ШАРТНОМАЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНИШИ КЕРАК

БОНН. Ғарбий Германиядаги энг катта банклардан бири «Дрезднер банк» правлениесининг раиси Г. Фридерихс Франкфуртмайнда сўзга чиқиб, Ғарбий Европа мамлакатлари билан СССР ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларга нисбатан Рейган маъмурияти белгилаган қамситувчи тадбирлари тўғрисидаги масала юзасидан ГФР янги ҳукуматининг позициясига тўхталиб ўтди. «Г. Коль бошчилигидаги янги ҳукумат, деди у, ГФРнинг илгариги ҳукумати позициясида турибди. Ҳозирги ҳукумат тегишли шартномалар имзоланган ва бу шартномаларга риоя қилиниши керак, деб айтмоқда».

«Биз ўйлаймизки,— деб таъкидлади Г. Фридерихс, — бу шартнома хусусида бошқача фикр бўлиши мумкин эмас. Канцлернинг ҳукумат номидан Бундестагда берган баёнотидан ва бизга маълум бўлган бир қанча хабарлардан шу нарса равшан кўриниб турибди, «Генераль-анцайгер» газетасининг ёзишича, — «Жазолаш» сиёсатининг бекор қилинишини БОНН ҳукумат доиралари табриклаган бўлур эди. Бу масала ГФР канцлери Г. Колнинг ноябрь ойида АҚШ президенти Р. Рейган билан бўладиган учрашуви вақтида ҳам муҳокама қилинади».

БАЛИҚЧИЛАР НОРОЗИЛИГИ

ДУБЛИН. Балиқчиларнинг ўнлаб кемалари ва қайиқлари Ирландиянинг энг катта портига кириладиган йўлни тўсиб қўйди. Ирландия балиқчилари Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатнинг жанубий соҳилларида сельд балиғи овлашни тақиқлаб қўйганлигига қарши норозилик юзасидан курашнинг мана шу одатдан ташқари шаклини ишлатишга мажбур бўлдилар. «Умумий бозор»нинг мана шу қарори сабабли сельд овлаш тирикчилик қилишнинг бирдан-бир воситаси бўлиб қолган юзлаб ирландияликлар мушкул аҳволга тушиб қолдилар.

Портларнинг «қуршаб олиниши» кемалар қатновини амалда тўхтатиб қўйди. Ирландия денгизидан қўшни Англияга ғаромда ўтиш ҳам тўхтатилган. Олинган маълумотларга қараганда, мамлакат ҳукумати кемаларнинг Ирландия портларига бемалол кириб-чиқишини таъминлаш учун ҳарбий денгиз кучлари кемаларига «тегишли чоралар» кўриш тўғрисида бўйруқ берган.

ГДР. «Ост» металлургия комбинат ининг цехларидан бирини кўриб турибсиз.

АДН—ТАСС фотоси.

• *Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида*

ҚАДАМЛАР ДАДИЛ, АММО...

Тўқимачилик комбинатининг Юнусободдаги 2-филиали ишга туширилганига бир йилдан ошяпти. КПСС XXVI съездидан кейин ташкил этилган бу филиалда ўтган қисқа вақт ичида жуда катта ўзгаришлар рўй берди: цехларнинг ишини ташкил этиш кенг миқёсда йўлга қўйилди. Энг муҳими — филиалда меҳнатсевар коллектив вужудга келтирилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизга учинчи Ленин ордени топширилиши муносабати билан ўтказилган тантаналарда сўзлаган нутқида янги ишлаб чиқариш қувватлари, жумладан, корхоналарнинг филиалларини ташкил этишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Ташкил этилган ҳар бир янги бригада, янги цех, янги корхона олдида янги масала ва қийинчиликлар кўндаланг келиши табиий. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳам ана шу масала ва қийинчиликларни оқилона ҳал қилиб боришдан иборат.

— Олдимизда турган дастлабки муҳим вазифа, — дейди филиал бош инженери Р. Муҳамадазизов, — кадрлар масаласи эди. Бошда ишчи кучи етишмаслиги бизни анча ташвишга солиб қўйди. Бор ишчиларимиз ҳам аксарияти тўқимачиликда унчалик малакага эга бўлмаган тажрибасиз ёшлардан иборат эди. Тажриба бўлмаса ишлаб чиқаришни жадал йўлга қўйиш мумкин эмас. Шунинг учун кўп йиллик тажрибага эга бўлган зарбдор ишчилардан бир группасини филиалимизга жалб этдик. Ана шу ишчиларнинг ёшларга мураббийлик қилиши натижасида қисқа муддатда ўзимизни ўнглаб олдик, цехларимизда қизғин меҳнат бошланди.

Ҳозир филиалда 250 нафарга яқин ишчи пойтахтимиздаги бошқа коллективлар сингари буюк мамлакатимиз ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақага сидқидилдан қўшилиб меҳнат қилмоқда. Коллектив ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида пландан ташқари 20 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 90 проценти биринчи нав ҳисобига топширилди.

Филиал асосан иккита — тўқув ҳамда тайёрлов цехларидан иборат бўлиб, ишчилар икки смена ва тўртта бригадага бўлиниб меҳнат қилишади. Л. Самигулина ва Н. Эргашева сингари моҳир тўқувчилар етакчилик қилаётган бригадалар эришаётган муваффақиятлар, айниқса қувончли бўлмоқда. Бу бригадаларнинг Н. Клинкина, М. Тўлабоева, О. Маҳамбеталиева, Л. Колосова, В. Муҳаммедова, Г. Саидхўжаева сингари ишчилари илғор тажрибаларини ишга солиб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Бу илғорлар смена ва ойлик план топшириқларини 125—130 процентдан бажариш билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Улар ва уларга ўхшаган 50 дан ортиқ тўқувчи шу кунларда «СССР 60 йиллигини беш йилликнинг уч йиллик планини бажариш билан кутиб оламиз!» шиори остида фидокорлик билан меҳнат қилишмоқда.

Корхонада биринчи навбатда меҳнат унумдорлигини оширишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиш билан бир қаторда меҳнатни ташкил этишнинг турли формалари жорий қилинмоқда. Шунингдек, ишчиларнинг ўзлари кўтариб чиққан ташаббуслардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Масалан, Н. Клинкина ишга келган куниёқ белгиланганидан ҳам кўпроқ станокларда ишлаш ҳамда аралаш касбларни бемалол бажараверииш ташаббуси билан майдонга чиқди. Ёш тўқувчи бир ой давомида бу ташаббуснинг меҳнат унумдорлигини оширишдаги катта аҳамиятини ҳам амалда исботлаб берди. У айни пайтда 36 та тўқув дастгоҳини бир ўзи бошқариб, ойлик план топшириқларини 140—145 процентга етказиб адо этмоқда. Натижада Н. Клинкинанинг ташаббуси коллектив ташаббусига айланди. Ҳозирги кунда филиалнинг барча тўқувчилари аралаш касбларда ишлаб, ўнлаб тўқув операцияларини иккиланмай бажаришади. Бу қимматли ҳаракат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатига ижобий таъсир кўрсатди. Йил бошида бир ойда 243 минг метр газлама тайёрланган бўлса, бу кўрсаткич июнь ойига келиб 320 минг метрни ташкил этди.

Шу ўринда социалистик мусобақанинг филиал ишлаб чиқаришини ривожлантиришдаги ролини ҳам алоҳида қайд қилиш керак. Бу ерда кундан кун қизғин тус олаётган социалистик мусобақа ишчиларнинг бир-биридан ўзиб кетишига эмас, балки коллектив ҳамжиҳатликка асосланган. Мусобақа ишчилар, бригадалар ва цехлараро тузилганига қараб унинг йўналиш ҳамда берадиган самаралари белгилаб олинади. Ҳар бир ишчи эришган муваффақият коллектив муваффақияти деб қаралади. Ю. Виткин, Ҳ. Худойберганов, Р. Шамсиддинова, Л. Каноников, Ҳ. Абдуллаева, У. Орипова, Р. Шарафуддинова сингари ишчилар қўлга киритаётган юқори кўрсаткичлар мазкур ҳамжиҳатликнинг қувончли натижаларидир.

Юқорида эслатиб ўтилган барча муваффақиятларни камситмаган ҳолда филиалдаги ишлаб чиқариш тараққиётига салбий таъсир кўрсатаётган баъзи камчиликларни ҳам рўй-рост айтишга тўғри келади. Биринчи ўринда, филиалда кадрлар етишмаслиги, ишчи кучининг танқислиги маҳсулот ҳажмининг планда белгиланганидан анча паст эканлигига сабаб бўлмоқда. Нега деганда, филиалда аслида 360 киши ишлаши керак, ҳолбуки бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 250 тага ҳам етмайди. Шу сабабли филиал коллективи ўтган етти ойлик планни бажаролмади. Пландаги 2 миллион 930 метр ўрнига атиги 1 миллион 960 метр маҳсулот тайёрланди.

Албатта, бу ўринда, филиалнинг янгилигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Аммо унинг очилганига икки йил бўляпти-ку?! Наҳотки шунча вақт мобайнида меҳнат самарадорлигини оширишга ҳалақит бераётган камчиликлар, масалан, тартиб-интизом, ишга бефарқ муносабатда бўлиш, кечикиб келиш, прогул сингари ҳолларни батамом бартараф қилиш мумкин бўлмаган бўлса?..

Шунингдек, филиал ошхонасида тайёрланаётган овқатлар ҳам бу ерда ишлаётганлар талабига тўла жавоб бермайди. Жонкуяр ишчилар учун, уларнинг фидокорона меҳнат қилишлари учун сифатли овқат ҳам муҳим роль ўйнайди. Комбинат раҳбарлари шу масалани ҳам бир ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди. Бу ерда шарт-шароитлар қанча яхшиланса энди ишга кирган ёш кадрларнинг ишдан бўшатишни сўраб ариза кўтариб келиш ҳолларига ҳам, шубҳасиз, шунча кўп барҳам берилади.

Шуларга қарамасдан, бу ерда биринчи навбатда кадрлар масаласини ҳал қилиш керак. Бош корхона раҳбарлари бу «кенжа» филиалга малакали кадрларни кўпроқ жалб қилишлари, баъзи ташкилий масалаларга яқиндан ёрдам беришлари керак. Шундагина, ташланаётган дадил қадамлар анча самарали бўлишига ишониш мумкин.

С. САЙДОВ.

Республика бўйлаб •

ИШЧИ КАСБЛАРИ

Поп районидаги В. И. Ленин номли аграр — саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси марказий қўрғони— Ғўрасаройда очилган ўрта ҳунар-техника билим юртида юздан ортиқ йигит ва қиз ишчи касбларни ўзлаштира бошлади. Бу ерда ташкил этилган сабзавот ва ҳўл мевани қайта ишлаш саноат корхонасининг деҳқонлари ва ишчилари учун бирлашма территориясида турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда, адир ерлар жадал ўзлаштирилмоқда. Ишчиларнинг ёш ўринбосарлари билим юртини битириб чиққанларидан сўнг қурилишлар, қайта ишлаш заводлари, меҳнат коллективлари сафига, Пунган массиви чўлқуварлари сафига келиб қўшиладилар.

* * *

ТЕЖАМКОРЛИК ҲАРАКАТИ

Чирчиқдаги 11-мактаб юқори синф ўқувчилари ўз педагоглари билан биргаликда электр энергиясини тежаб сарфлаш эвазигагина ҳар ойда мактабга ўттиз сўм тежаб бериши мумкин эканлигини ҳисоблаб чиқдилар. Агар ювиниш хоналарида кранлар яхши ёпилмаган бўлса, бир кеча-кундузда камида 3 литр сув исроф қилинар экан.

Болалар тежамкорлик ҳаракатини бошлаб юбордилар. Махсус соқчилар бўш хоналарда чироқ ёниб қолмаслигини кузатмоқдалар. Водопровод ва иситиш системаларининг пухта ишлаётганлигини текширмоқдалар, мебель ва мактаб анжомлари асралишини назорат қилмоқдалар. Бу ерда «Китобга янги умр!» деган операция ўтказилди. Ана шу операция давомида мактаб кутубхонасидаги китоблар, дарсликларга янги ҳаёт бахш этилди.

(ЎзТАГ).

Тошкент мактабининг дипломларини олишди

Бутуниттифоқ медицина препаратлари химия-технология илмий-тадқиқот институти Тошкент филиали лабораториясининг мудири А. Умаровга, Нукус университети кафедрасининг мудири Л. Жумаевга, Тошкент университетининг муаллими Н. Капица ва яна 100 нафар олимга ғалати бир мактабни битирганликлари тўғрисидаги дипломлар берилди. Ўн кун мобайнида Тошкентда полимер негизли координацион бирикмаларга бағишланган биринчи республика мактабининг машғулотлари ўтказилди. Бу мактаб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясидаги энг ёш илмий муассаса—полимерлар химияси ва физикаси институтининг ташаббуси билан очилганди.

Мактабдаги машғулотларни РСФСР, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон, Тожикистон, Молдавия илмий марказларидан келган етакчи олимлар олиб бордилар. Тингловчилар республика тадқиқотчиларининг полимерлар яратиш ва уларни ўрганиш соҳасида эришган ютуқлари билан танишдилар.

— Бу мактабнинг аҳамиятига баҳо бериш қийин, — деди СССР Фанлар академияси ноорганик химия илмий кенгаши раисининг ўринбосари профессор В. В. Зеленцов,—Тошкентдаги учрашув илмий алоқаларни мустаҳкамлашга, химикларнинг янги ечимлари билан танишишга ёрдам берди. Мактаб тингловчилари фандаги янги йўналиш— координацион ва юксак молекуляр бирикмалар химияси соҳасидаги билимларни эгалладилар. Бу машғулотлар уларнинг бундан буёнги тадқиқот ишларида, шунингдек олий мактаблардаги педагогик фаолиятларида ёрдам беради.

(ЎзТАГ).

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ЁҒОЧНИ АСРАЙДИ

Гугурт чўпи кичик бўлсада ўрмонга ўт қўймасдан уни нобуд қилади: гугурт чўпи ясашга кўп минг куб метр ёғоч кетади. Кашин электр аппаратлар заводи ишлаб чиқаришни ўзлаштирган газ плиталар ёқадиган электр зажигалка энди ёғочни тежашга ёрдам беради. Янги линияда бир йилда юз мингта электр зажигалка тайёрлаб чиқарилади. Унинг ҳар бири назарга илмас даражада электр энергияси сарфлангани ҳолда жуда кўп хизмат қилади.

Бехабар одамлар гугурт чўпига кетадиган тоғтерак ҳеч нарсага ярамайдиган ўтин деб ўйлайдилар, аслида бундай эмас: энг кўпга чидайдиган ёғоч иморатлар айни шу тоғтеракдан қурилган бўлиб, унинг ёғочи намликдан чўчимайди. Қишлоқ усталари тоғтеракни қадрлайдилар.

(ТАСС).

Калинин области.

ИККИ НАРСА КЕРАК ВУЖУД УЧУН
БИЛ,
БИРИНЧИСИ ДИЛДИР, ИККИНЧИСИ
ТИЛ.
ДИЛНИ СЕН МЕҲР ИЛА ШАФҚАТГА
ТЎЛДИР,
ТИЛНИ ҲАҚИҚАТНИНГ ЎТКИР
ТИҒИ ҚИЛ.

Хушхолхон ҲАТТАК.

Одоб-ахлоқ ҳақида
Оқшом суҳбатлари

№ 41

Оила даврасида

НОШУД КЕЛИНЧАК

Мен бу беғубор нуроний отахонни учратмаганимда, эҳтимол, бу воқеанинг шоҳиди бўлмас эдим.

Ўша куни Чилонзорга бориш учун автобусга чиқдим. Олд ўриндиқда бири ўрта ёшлардаги, унинг ёнида эса ёши олтмишларга бориб қолган отахон ўзаро суҳбатлашишарди. Ҳамроҳи отага бир нима деб савол берган эди, отанинг юзида табассум йўқолди-ю, нуроний чеҳрасини норозилик аломати босди:

— Аёлим вафотига ҳам тўрт йил бўлай деб қолди, — деди у дабдурустдан. — Хотинсиз уйнинг фариштаси қолмайди, деганларича бор экан. Ҳайҳотдек уйда ёлғиз ўғлим билан яшайман, ўғлимни уйлантириш тараддудидаман...

Бир куни ўғлимга, мен ҳам қаридим, сени оилали қилсам, болаларингни кўрсам, қариндошларда ҳам қизлар кўп, дедим. Ўғлим тушмагурнинг ўз севган қизи бор экан, холамларни совчиликка юборинг, деб қолди. Шунақа қилиб денг, хаш-паш дегунча Фарҳодимни «кўнглидаги» қизга уйлантирдик. Ўйин-кулги билан тўй ўтди-ю, кейинги ғавғоси жонимдан басил қилиб юборди.

Раҳматли аяси жудаям бокира, камсуқум, мунисгина эди. Қайнона билан келиннинг тупроғи бир ердан олинади дейишарди. Келиним ҳам аясига ўхшаган бўлар, деб ният қилувдим. Келиним тушмагур бу кекса одам-ку деб ҳурмат ҳам қилмайди, илиқиссиқ муомаласи ҳам йўқ. Турмуш қурганларига ҳадемай бир йилдан ошади. Шу вақт ичида онасининг уйига бўзчининг мокисидек боради-келади. Охирги кетишида уйига бориб, қуда-андалардан, биздан ўтган бўлса кечиринглар, дедим. Йўқ, ота-онаси ҳам баттол экан, қизини юборишмади. Охири ўғлимнинг ўзи бориб, айби бўлмаса ҳам тавба-тазарру қилиб келинпошшани олиб келди. Лекин ширин оилага дарз кетди. Келин ҳамон совуқ муомала қилади, тумтайиб юради, ўчакишади.

Бир куни «Болагинам, Ферузахон, нимадан кўнглингиз тўлмаяпти, сиз Фарҳоджон билан бир-бирларингизни севиб турмуш қурдинглар-ку», десам, ўшшайиб: «Мени сизлар чўриликка олгансизлар, мен чўри бўлмайман, ўн гулимдан бир гулим очилмаган», деса бўладими.

Кечқурун ўғлим ишдан келди. Юрагим ўйнаб, яна қандай машмашани бошларкин деган хаёл билан ёстиққа ёнбошладим. Орадан бир зум ўтди-ю, келиним бақира бошлади: «Мен сизни ўғиллик қилмоқчи бўлсам-у, сиз бўлсангиз қаерларда саёқ итдек сандироқлаб юрасиз... Дилрабохон деган дугонам эрга текканига бир ой бўлмай сипочка билан узук олдирибди. Менинг ундан қаерим кам? Бир нарса оберинг десам, ойлигим рўзғорга етмаяпти дейсиз, даромадим йўқ дейсиз. Инвалид отангизни гапирасиз, унга чопону яхтак олиб берасиз. Сиздақа эрнинг боридан йўғи яхши».

Қўйингчи, келинимнинг оғзидан боди кириб, шоди чиқди. Қилди қилғиликни, қилди қилғиликни. Чидаб туролмадим. Ҳузурига кириб: «Болам, қўйинг шу уришларингизни, эрта-индин пенсиям келиб қолар, яхши тақинчоқ олиб бераман», дедим. Шу пайт денг, келиним худди илондек бир қиёфага кирди-ю, бирдан менга сапчиди:

— Чиқинг уйимдан! — деб бақирди у. — Ҳамма... Ҳаммасига сиз айбдорсиз... Сиз бўлмасангиз тинч яшардик.

Ҳайкалдек қотиб қолдим. Ё пирай, бу келинга нима бўлган ўзи, деб ёқамни ушладим. Мунис-меҳрибон, мусичадек ҳокисор, раҳматли хотиним ёдимга тушди-ю, ноқобил келиним олдида кўзларимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Ўзимни тутолмай ташқари чиқиб кетдим. Ўғлим «Кет уйдан, сендек хотин менга йўқ», деди. Келиним айюҳаннос солиб, «Сени судга бераман, қаматаман» деганча парпарон бўлиб онасининг уйига жўнади... Мана, беш ойки, ўшаёқда отасининг серкаси, онасининг эркаси бўлиб ўтирибди. Ўғиллик ҳам бўлди, она бўлса ҳам тариқдек ақли йўқ. Мўмин-қобил ўғлим билан тинч-тотув яшаб кетса, қандай яхши эди! Ҳақ гап, ўғлим ичадиган, чекадиган, баъзи буззанги йигитлардан эмас... Мен бўлсам, бирор марта келинпошшанинг оҳини озода қилган эмасман... Бир оёғим тўрда бўлса, бир оёғим гўрда. Ўлиб кетсам шу ҳовли, шу мол-жон келинимга қолади-ку.

«Мевазор» бекатига келганда нуроний отахон ҳамроҳи билан хўшлашиб, автобусдан тушиб қолди. Мен ўзимча хаёлга чўмиб, ўйлаб борардим:

«Отахон яхши одам экан. Ўғли ҳам ўзига ўхшаса керак. Шундай оилани, шундай бахтли турмушни билмаган ношуд, калтабин келинчак экан. Зебзийнат, ялт-юлт кийим-кечак муҳаббатга пойдевор бўлмайди, Феруза! Эсинг борида этагингни ёп, синглим».

Д. ХОЖИМУҲАММЕДОВА.

Ишхона — иккинчи уйимиз

Қувонч ҳам ўртада, ташвиш ҳам

Оилавий кўнгилсизлик арзимаган нарсадан бошланди. Назира ишдан кечикиброқ келди. Эри Муҳаммаджон асабийлашиб қарши олди. Шу пайтгача қаерда юрганини суриштирди.

— Юсуф отаникига бордик,— деб тушунтирди Назира. — Биргалашиб кўриб келдик.

Муҳаммаджон Назира билан ҳисоб-кредит техникумида бирга ўқиган. Икковлари бир-бирини яхши кўриб турмуш қуришган. Аввалига Муҳаммаджон ҳам бухгалтер бўлиб ишлаб юрди. Бироқ кейинчалик бир хонадан чиқмай қимирламай ўтиравериш жонига тегди. Маоши ҳам кўнгилдагидек эмас. Шундай қилиб, Назира лойиҳа институтининг бухгалтериясида ишини давом эттирди. Муҳаммаджон эса бўшаб кетди. У болалигидан дурадгорликка қизиқар эди. Дадаси машҳур дурадгор бўлгани учун унга ўз ҳунарини ўргатганди. Шу қўл келди. Муҳаммаджон газ идорасига уч кунда бир марта борадиган ишга жойлашди. Бўш пайтларида буюртмачиларнинг шифтига гулли фанер қоқиб анча мўмай пул топадиган бўлди. Хуллас, топиш-тутиши ёмон эмас. Ҳозир у хотини айтаётган Юсуф отани ҳеч эслолмади.

— Бунақаси йўқ эди-ку? — деди тўнғиллаб. — Янги ишга келганми?

— Йўқ,— деди Назира тушунтириб. — Юсуф ота бизда ишламайди. Бир вақтлар ишлаган экан. Кейин пенсияга чиқиб кетган. Шу киши бугун 80 ёшга тўлган экан. Коллектив номидан бориб табриклаб келдик.

Муҳаммаджонн и н г энсаси қотди.

— Унақа бўлса пенсионерларни рўйхат қилиб олинглар. Ҳар куни биттаси юбилей қилаверади-да! Сенлар бориб чарчамайсан, улар кутиб чарчамайди. Овқатни ким қилади, болаларга ким қарайди?

Бир жиҳатдан Муҳаммаджон ҳақли эди. Чиндан ҳам аёл киши уйдаги ишларни қилиши керак. Рўзғор ташвиши билан шуғулланиши керак.

— Кечаям охирхуфтонда келгандинг, — деди Муҳаммаджон бўғилиб. — Ишхонанг қанақа ўзи?

Назира негадир жилмайди:

— Кеча Ҳанифа холани кўргани борувдим. Бечора касал бўлиб ётибди.

Хотинининг кулиши Муҳаммаджонга баттар таъсир қилди.

— Эртага биттаси туғади, индинга биттаси ўсал бўлади... Шундоқ қилиб юраверасан салонғлаб.

Назира ҳам бўш келмади:

— Нима қипти? Ишхонадан сервиз беришганида пахта гуллигини олиб келгин дейсиз, гўшт беришганида нимага сонидан олмадинг дейсиз?.. Ишхона бўлгандан кейин шунақа томонлариям бўлади-да.

Хуллас, ўша куни уйда анча майда-чуйда гаплар бўлди. Эр ҳам ўзини ҳақли деб ҳисоблар, хотин ҳам ўзича ҳақли эди. Гап шундаки, Назира ишхонасини жонидан ҳам яхши кўрар, бу ерда қувончни ҳам, ташвишни ҳам баравар баҳам кўришар эди. Уч йил илгари Муҳаммаджон кўричак бўлиб операцияга ётганида Назиранинг ишхонасидагилар ундан деярли ҳар куни хабар олиб туришди. Албатта, Муҳаммаджон учун эмас, Назира учун шундай қилишди. Институтда шу тартиб ўрнатилган.

Албатта, ҳар ким ўзининг ҳаёти билан яшайди. Бироқ, одамнинг феъли ғалати. Киши ўз қувончини бошқалар билан баҳам кўрса шодлигига шодлик қўшилгандек бўлади. Киши ўз ташвишини бошқалар билан баҳам кўрса ғами енгиллашади. Аслида коллектив деганининг ўзи ҳам шу. Агар одам ишхонага бориб саккиз соат вазифасини бажарсаю ҳамма ҳар ёққа тарқалиб кетаверса, биров билан бировнинг иши бўлмаса, гарчанд бундай ташкилотда планлар аъло даражада бажарилса ҳам, одамлар мукофотини олса ҳам, барибир уни яхши ташкилот деб бўлмайди. Одамларни бир-бирига яқинлаштирадиган нарса сирдош бўлиш, оғир-енгил пайтда бир-бирининг ёнида туриш.

Халқимиз қадимдан ҳамжиҳатликни яхши кўради. Бу нарсани тўй-маъракаларда, ҳашарларда, айниқса, яққол сезиш мумкин. Мабодо бирон уйда маърака бўлиб қолса танишми, нотанишми бундан қатъий назар, ҳамиша одамлар тўпланиб келган. Бошига кулфат тушган кишига ҳамдардлик билдиришган. Бирон жойда тўй бўлса танишми-нотанишми кўчадан ўтаётган кишини тавозе билан таклиф қилишган.

Маҳалла ёки қишлоқда ҳашар бўлса энг аввало, айниқса, муҳтож бўлган кишиларга, ёлғизқўл кексаларга бева-бечораларга биринчи навбатда ёрдам қилишган. Бироқ афсуски, ишхона деганда фақат ишни тушунадиган ишчи-хизматчилар ҳам, коллектив деганда фақат планни бажаришни ўйлайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Бундай ташкилотда ишлаш кишига мароқ бағишлай олмайди. Бундай корхонада ишлаган одам иложи борича вақтни тезроқ ўтказишни-ю, тезроқ уйига жўнаб қолишни мўлжаллайди. Модомики, ишхона одамнинг иккинчи уйи бўлар экан, бу ерни ҳам у ўз оиласидек севиши керак. Бунинг учун эса уни ўзи ишлайдиган ташкилотга фақат иш вазифасигина боғлаб туриши керак эмас. Бунинг учун мана шу ташкилотда унинг яқин кишилари — ўз акасидек, синглисидек, қолаверса отасидек яхши кўрадиган одамлари, сирлашадиган, дардлашадиган кишилари бўлмоғи лозим. Бунинг учун эса ўз навбатида ҳар бир кишига алоҳида эътибор, ҳар бир кишининг ҳаётидан, тақдиридан хабардор бўлиш кайфияти ҳукм сурмоғи лозим.

Эҳтимол шунинг учун ҳам Назира ўз ишхонасини уйидек яхши кўрар. Коллектив туйғусидан узоқ бўлган Муҳаммаджон эса эҳтимол шунинг учун ҳам бу туйғуни яхши тушунмас. Коллективизм туйғусидан узоқ бўлиш эса одамни беихтиёр худбин қилиб қўйишини эҳтимол у яхши билмас. Эҳтимол бу борада Назира унга ёрдам берар. Шунда улар арзимаган нарсадан бир-бирининг дилини оғритиб ўтирмаслар.

Ў. ҲАМИДОВ.

«ИНСОН ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига республикамиз кўзи ожизлари учун чиқариладиган «Бир сафда» журналининг бош редактори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Карим АҲМЕДОВ жавоб беради.

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?

2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?

3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.

4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?

5. Оилада фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?

6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

1. «Инсонийлик» тушунчаси шу қадар мураккаб ва уни белгиловчи фазилат ва ҳолатлар шунчалик хилма-хилки, таъбир жоиз бўлса, мен бу тушунчани кўп қиррали олмосга қиёс қилган, ҳар бир инсоний фазилатни ана шу олмоснинг қирралари деб билган бўлардим. Ҳар бир кишининг ўз оила аъзоларига, қариндош-уруғлар и г а, ҳамкасбларига, борингки, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига нисбатан оққўнгил бўлишини, уларга шунчаки юзаки, «хўжа кўрсин»га эмас, балки чинакамига ҳамдард бўлишини «инсонийлик олмоси»нинг муҳим қирраларидан бири деб биламан. Мен СССРдаги, шу жумладан, республикамиздаги кўзи ожиз кишиларнинг ҳам турмушини яхшилаш йўлида кўп жонбозликлар кўрсатган Бутуниттифоқ оқсоқоли М. И. Калининнинг мана бу гапларини тез-тез эслаб тураман: «Инсон одамларни севиши керак. Агар у одамларни севса, унинг ўзи учун яшаш осон бўлади, вақтичоғлик билан турмуш кечиради, чунки жаҳонда ҳеч кимнинг умри одамовиларник и д е к бадбин бўлмайди».

Айтайлик, серқатнов кўчанинг бир чеккасида ногирон бир киши турибди. У кўчанинг нариги бетига ўтиб олмоқчи-ю, аммо юраги дов бермаяпти. Унинг ёнига бегона бир киши келади-да, мақсадини англаб, керакли жойга етиб олишига ёрдамлашади, уни тегишли транспортга чиқариб, ўз йўлида давом этади. Жамиятимизда ҳар қадамда учратиш мумкин бўлган бундай «бегона кишилар»нинг мурувватиулар учун жуда «арзонга тушадиган» ҳатти-ҳаракат, аммо ногирон одамлар, масалан, биздек кўзи ожизлар учун бунинг аҳамияти жуда катта. Кўзи ожиз киши учун серқатнов кўчани бировнинг ёрдамисиз кесиб ўтиш— дорбозларнинг дорда юришидан кўра мушкулроқ.

2. Ишёқмас одамларни ёмон кўраман, чунки жамиятда учраб турадиган фирибгарлик, ичиқоралик, тилёғламалик, лаганбардорлик, худбинлик, лоқайдлик ва бошқа иллатларнинг илдизига чуқурроқ боқсангиз, уларнинг таг-заминида кўпинча ишёқмаслик ётишига амин бўласиз. Улуғ мутафаккир Л. Н. Толстой: «Агар бирон кун ишламасам, ўзимни ўзим ўлдирардим», деб бежиз айтмаган. Бир куни шаҳар транспортида кетаётиб олдинги ўриндиқда ўтирган икки кишининг суҳбатига беихтиёр шоҳид бўлдим. Суҳбатдошлардан каттаси кичигига шундай «насиҳат» қиларди: «Ишлаб пул топиш ҳар қандай аҳмоқнинг ҳам қўлидан келади. Сен шундай иш туткинки, ишламасанг ҳам пул сени қидириб келсин». Уларнинг жирканч «фалсафа»си шундай: «Ол-у, лекин олдирма», ўроқда ҳам, машоқда ҳам бўлмасангда, лекин хирмонда доим ҳозир бўл».

3. Етти яшарлигимда чечак касаллигига чалиниб, кўздан ажрадим. Ёшим катта бўлгани сайин қанчалик ночор аҳволга тушиб қолганимни тобора чуқурроқ англаб, ичэтимни ер эдим. «Наҳотки, энди бир умр кимларгадир қарам бўлиб яшайман?» деган саволлар берар эдим мен ўз-ўзимга. 1948 йилда, яъни 16 яшар чоғимда мен бир кишининг маслаҳати билан Ўзбекистон Кўрлар жамияти Марказий правлениесининг раиси Қудрат Пиримқуловга учрашдим. Қудрат ака мени Ўзбекистон Кўрлар жамиятининг ҳунар-техника мактабига жойлаштирдилар. Бу ерда мен кўзи ожиз кишилар ҳам ўқиши, билим олиши, турли касб-ҳунарларни ўрганиб, ҳаётда ўз ўрнини топишига ишонч ҳосил қилдим. Шу мактабга жойлашган кунимни мен энг бахтиёр кун деб ҳисоблайман.

4. Аввало, эътиқод ҳар хил бўлади. Эътиқодли кишида сароб каби бир умр алдайдиган эътиқодлар (масалан, диний эътиқод) ҳам бўлиши мумкин. Мен ҳаётдаги реал ва прогрессив нарсаларга эътиқодли бўлиш тарафдориман. Улуғ Алишер Н а в о и й асарларида ҳам, бошқа Шарқ классикларининг китобларида ҳам тўғрилик ва эгриликни бир-бирига қарама-қарши қўйиш учун икки хил— тўғри ва эгри ўсган дарахтлар бир-бирига муқояса қилинади. Тўғри ўсган шохни одамлар кесиб олиб, унга нақшлар бериб, асо (ҳасса) ясашади ва уни кексалар бир умр эъзозлаб юришади. Адл дарахтлардан ясалган устунлар асрлар давомида кишиларнинг истиқоматгоҳларини ўз «елкасида» кўтариб турадилар. Эгри ўсган шохлар ва дарахтлар эса ўтин сифатида ёқиб юборилади. Менингча, эътиқодли кишиларнинг, худди тўғри ўсган дарахтга ўхшаб, бутун умр давомида собитқадамлик билан тўғри йўлдан боришига жуда катта ёрдам берувчи йўлчи юлдузга қиёс қилиш мумкин. Эътиқодли кишиларнинг ҳаётда аниқ мақсади бўлади. Эътиқод инсонни ҳаётдаги ҳар хил тасодифий, ноўрин майл-интилишлардан сақлаб, мақсад сари интилишига ёрдам берувчи ғоят қудратли кучдир. Мақсадсиз кишиларнинг элда обрўси бўлмайди. Улуғ қозоқ мутафаккири Абай Қунанбоев айтганидек: «Одамлар ичида энг бўлмағури— мақсади йўқ кишидир».

5. Назаримда, болаларни ортиқча эркалаб, талтайтириб юбориш ҳам, уларни ҳар қадамда тергаб, бўлар-бўлмасга кўнглини ранжитиш ҳам бирдек хавфли. Уларга бўлган меҳр-муҳаббатни қатъий ва системали талабчанлик билан бирга олиб бориш энг муҳими. Оилада катталар ва болалар ўртасида ўзаро ҳурмат муҳитини юзага келтиришни тарбия ишида муваффақиятга эришувнинг муҳим омили деб биламан. Бундай пайтларда баъзан жаҳл устида болаларимдан биронтасини хафа қилиб қўйсам, дарҳол ўзимни қўлга олиб, уни юпатишга киришаман. Қадимги юнон олими Пифагорнинг қуйидаги ажойиб сўзлари ёдимга тушади: «Вақти келиб, қабрингиз устида йиғлай олишлари учун фарзандларингизнинг кўз ёшини тўкманг».

6. Бўш қолган вақтларимда музика тинглашни, ўзим ёқтирган хушовоз хонандалар ижросида қўшиқлар эшитишни яхши кўраман. Дилимга маъқул тушган куйларни скрипкада, рубобда, доирада баъзан ўзим ижро этаман. Шанба ва якшанба кунлари қадрдон дўстларим билан улфатчилик қилиб тураман.

Анкета саволларига жавобларни

А. МУҲАММАДҚУЛОВ ёзиб олди.

Жозибали рақс дилга ором, меҳнатга илҳом беради. Мана бу рақснинг бир лаҳзасини томоша қилинг. Ўзбек ёшлик рақсини яқинда шаҳримизда меҳмон бўлган Моисеев раҳбарлигидаги СССР Давлат рақс ансамбли коллективи ижро этди.

М. Нуриддинов фотоси.

Бу қизиқ

УЗУКЛИ САБЗИ

Тўрғай боксит бошқармасининг ишчилари — Карповцевларнинг оилавий альбомида ғалати бир фотосурат пайдо бўлди. Унда белига олтин узук таққан каттакон бир сабзи тасвирланган!

Бу йилги куз Раиса Лукьяновна учун дарҳақиқат «олтиң куз» бўлди, деб хабар беради ТАСС мухбири. У кўкламда йўқотиб қўйган никоҳ узуги кўққисдан сабзи пуштасидан топилди. «Олтин сабзи» бошоқларидан энг йириги ҳам бўлди. У икки юз граммдан ошди.

Одамлар орасида

Яхшиларни авайланг

Кундалик ҳаётимиздаги турли хил маросимлар, гурунглар ёки дўстлар даврасида «Фалончи жуда яхши одам» ёки аксинча «Фалончи ёмон одам» деган нисбий тушунчалар қулоққа чалиниб қолади. Ўша «яхши» ёки «ёмон» деб ном олган одамнинг иккаласи ҳам инсон-ку, иккаласи ҳам одам боласи-ку, ахир. Нима учун уларнинг бирлари яхши-ю, иккинчилари ёмон ном олган? Нима учун яхши одам тўғрисида гап кетганда атрофдагиларнинг чеҳрасида самимий гўзаллик намоён бўлади-ю, ёмон одам ҳақида сўз борганда нигоҳларда жиддий сўлғинлик пайдо бўлади?

Давримизнинг буюк алломаси даражасига кўтарилган Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев ҳақида гап кетганда, даврадаги ҳамма одам у кишини яхши одамлигини эслаб, инсонийлик фазилатларини санашга ўтади. Атоқли файласуф олим Иброҳим Мўминович Мўминовнинг олижаноб инсон, меҳрибон мураббий, етук жамоат арбоби каби чин инсоний фазилатлари «яхши одам» деган шарафли номга эриштирди.

Яхши одам ҳаётда нимаики ютуққа муяссар бўлса, ўзининг меҳнатга чексиз муҳаббати, ақл-заковати туфайли эришади.

«Жамиятга етказаётган фойда-зарарига қараб ҳамма одамларни уч гуруҳга ажратиш мумкин — фойдали, бефойда ва зарарли, — деб ёзади Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. Қобилов «Ҳозирги ёшлар» номли мақоласида.— Фойдали одам жамиятга кўпроқ манфаат келтириб, ундан кам талаб қиладиган, бефойдалари эса жамиятга қанча берсалар шунчани ундан талаб қилиб оладиганлар, ниҳоят зарарлилари — жамиятга ҳеч нарса бермай унинг ҳисобига яшашга интилган текинхўрлардир».

Одатда, биринчи гуруҳга мансуб кишилар мўл-кўл билим, ахлоқу-одобга эга бўлиб, инсонийлик, камтарлик доимо ҳамма ерда зарур деб ҳисобловчи яхши одамлардир. Учинчи гуруҳдаги кишилар (кўпчиликни ташкил этмаса-да) бирорта билимни мукаммал эгалламаган, ахлоқу-одоб чегарасидан жуда узоқда бўлиб, кўпинча такаббур, манман бўладилар.

«Мен ёшларимизга боғ оралаганда шундай манзарага диққат қилишларини тавсия этардим, — деб ёзган эди академик Т. Н. Қори-Ниёзий. — Дарахтнинг меваси қанча кўп бўлса, унинг шохлари шунча кам, яъни пастга қараб эгилган бўлади ва аксинча, меваси қанча оз бўлса, унинг шохлари шунча кўтарилган бўлади.

Жамиятда ҳам худди шундай: кишининг маънавий савияси, ҳақиқий маданияти, олижаноблиги ва умуман ички дунёси қанчалик бой бўлса, унинг боши ҳам мевали дарахтнинг шохлари сингари паст бўлади. Қуруқ ва пуч одамлар эса кеккайган ва такаббур бўлишади».

Болалик чоғларимиздаги «кўча ўйин»ларида баъзи ўртоқларимизнинг қиладиган «ғирромликлари» болаликнинг шўх тўлқинлари остида ўтиб кетарди. Лекин ёши бир жойга борганда ҳам «ғирромлик» қилишни тарк этмаган, бундай ярамас одатни ҳанузгача ўзидан улоқтириб ташлай олмаган айрим ўртоқлар атрофдагиларга қанчалик озор беришларини, қанчадан-қанча одамларнинг қалб торларини ортиқ даражада таранглиикка олиб келишларини ўзлари билишармикан?! Бу ўринда шоир Эркин Воҳидовнинг:

Кеча керак бўлдинг,
болалик чоғим
Сенга қўл узатдим,
йўқ етолмадим
Ошкора ғирромлик
қилди ўртоғим
Мен: бор ўйнамайман, деб кета олмадим.

мисраларини ўқиганимизда, узоқ ўйга чўмиб қоласан киши. Бундай одамлар, атрофдаги меҳнаткаш инсонларнинг самарали меҳнатларига ғов бўладилар. Қанчадан-қанча одамларнинг қимматли вақтларини йўқотиш, уларни овора қилишга сабабчи бўладилар.

Донолардан бири айтади:

— Яхши дўст атрфурушга ўхшайди, у ўз атридан сизга бермаса-да, сиз унинг атрлари ҳидидан баҳраманд бўлаверасиз! Ёмон улфат эса, темирчига ўхшайди. Унинг ўти сизни куйдирмаса-да, бироқ, тутуни сизга таъсир қилади.

Одамларнинг салбий ва ижобий фазилатларини тилга олиб Фирдавсий қуйидагича назмга келтирган:

Анбар сотувчининг
олдидан ўтсанг,
Либосинг анбарнинг
ҳидини олади.
Темирчи ёнидан
ўтганинг замон,
Қора дуди сенга
юқиб қолади!

Айрим ёмон одамлар яхши кишилар даврасига кириб қолса, поклик йўлини ихтиёр қиладилар. Олимлардан Муҳаммад Саид айтади:

— Баъзилар ёмон хулқни ўзгартириш мумкин эмас, деб даъво қиладилар, бу тўғри эмас, ёмон хулқни ўзгартириш мумкин — дейди.

Фикримизча, ёмон хулқни яхши фазилатли кишиларнинг маъноли суҳбатлари-ю, мазмунли насиҳатлари асосида давом этадиган, мунтазам ижобий тарбия йўли билан амалга ошириш мумкин. «Олма олмадан ранг олади» деган доноларнинг гапи бор-ку, ахир.

Ҳаётимизнинг жўшқин равнақи, жамиятимизнинг маънавий тараққиёти ва келажак авлодларимизнинг бахтли кунлари ҳурмати, яхшиларни авайлабасрайлик, уларнинг қадрига етиб эъзозлайлик, уларга нисбатан мурувватли бўлайлик. Шу билан бирга буюк аллома Абу Али ибн Сино айтганидек жоҳил, нодонларга насиҳат қилиб, уларни тўғри йўлга солишдан эринмаслик зарур.

Э. ЁҚУБОВ,
техника фанлари кандидати.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

АЁЛЛАРГА ҲАМ, ЭРКАКЛАРГА ҲАМ...

«ЎЗБЕКИСТОН» ФИРМА-САВДО БИРЛАШМАСИНИНГ 4-МАГАЗИНИДА

26—30 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ

УТКАЗИЛАДИГАН САВДО-КЎРГАЗМАДА

2-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН КУЗГИ-ҚИШКИ МАВСУМ ПОЙАФЗАЛЛАРИНИНГ ЯНГИ МОДЕЛЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

Авжи куз пайти. Об-ҳаво ўзгарувчан ва инжиқ. Ёғин-сочин мавсуми. Сўнгги илиқ кунлар мавсуми. Айни ёпиқ туфли, этикча ва қалин тагчармли полуботинкалар кийиладиган пайти ҳозир.

САВДО-КЎРГАЗМАДА:

АЁЛЛАР УЧУН баланд (8 сантимертгача) пошнали, очиқ рангдаги полиуретан тагчармли хром **туфлилар** таклиф қилинади. Моделлар рангги бу йил мода бўлган ранглар гаммасидан иборат. **Баҳоси — 30 сўм 40 тийин.**

Чоклар билан безатилган, қуйма очиқ рангли полиуретан тагчармли «Молния» застежкали хром **этикчалар.** Пошнасининг баландлиги — 8 сантиметр. **Баҳоси — 75 сўмдан 78 сўмгача.**

ЭРКАКЛАР УЧУН фабрика қуйидагиларни тайёрлаган: жигарранг ва қора рангли хромдан тикилган микропор тагчармли **полуботинкалар,** пошнасининг баландлиги 5 сантиметргача. Манзарали чоклар билан безатилган, боғичли, «конверт» типидаги **полуботинкалар. Баҳоси — 18 сўмгача.**

Табиий чармдан тикилган манзарали чоклар билан безатилган «молния» застежкали **калта этикчалар** (микропор тагчармли, пошнасининг баландлиги 5 сантиметргача). Ранги—қора ва тўқ жигарранг.

Баҳоси — 38 сўмдан 40 сўмгача.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА ҲУШ КЕЛИБСИЗ!

ХАРИДИНГИЗ ХАЙРЛИ БЎЛСИН!

«Ўзбекистон» фирма-савдо бирлашмасининг 4-магазини адресини эслатиб ўтамиз: Тошкент шаҳри, Маҳсидўзлик кўчаси (1, 4, 7, 14-троллейбусларнинг «Калинин номли майдон» бекати).

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Марказий лойиҳа конструкторлик ва технология бюроси.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОЛАРИ

трамвай ва троллейбус ҳайдовчилари тайёрлаш курсларига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар группаларининг комплектланишига кўра бошланади.

Ўқиш муддати — 5—6 ой.

Ўқишга қабул қилинганлар стипендия, ёлғиз кишилар эса ётоқхона билан таъминланадилар. Электр транспорти ходимлари имтиёзларидан фойдаланадилар. Баҳосининг 50 процентида формали кийим-бош берилади, трамвай ва троллейбусларда бепул юришга ижозат этилади.

Маълумотлар олиш учун мурожаат этилсин:

1-троллейбус депоси — Т.Шевченко кўчаси, 28-уй;
«Красновосточное» депоси — Красновосточная кўчаси, 3«а»-уй;
2-троллейбус депоси — Пионер кўчаси, 4-уй;
1-трамвай депоси — Гайдар кўчаси, 68-уй;
2-трамвай депоси — Ҳамза кўчаси, 1-уй.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИГА:

токарлар, хамир қолипловчилар, юк ташувчилар, слесарлар.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

механика-йиғув ишлари электр ўровчилари, электр слесарлари.

ЛЕНИН РАЙОНИ КОРХОНАЛАРИГА:

слесарлар, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика слесарлари, аппаратчилар, стерилизаторчилар, сантехниклар, юк ташувчилар, ёрдамчи ишчилар, дурадгорлар, фаррошлар, назоратчилар, қирқувчилар, кавшарловчилар, қуювчилар, ювувчилар, ампулаларни қадоқловчилар, лифтерлар, инженерлар, қурувчилар, кадрлар тайёрлаш бўйича конструкторлар; экспедитор-товароведлар.

ЛЕНИН РАЙОНИ АЛОҚА ТАШКИЛОТЛАРИГА

сараловчилар: посилкалар, хатлар; посилка почтаси операторлари, электр механиклар, почта посилкасига ҳамроҳлик қилувчи почтальонлар, почта вагонлари проводник-электр монтёрлари, почта вагонлари бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари, хўжалик мудирлари, табелчилар, фаррошлар, машинисткалар.

Справкалар ва ишга йўлланмалар олиш учун қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин райони пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

ТОШКЕНТ КЕЧКИ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНИКУМИ

ўрта мактаб базасида

ўзбек ва рус тилларида ўқиш учун

КЕЧКИ БЎЛИМ ГРУППАЛАРИГА

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

металга қирқиб ишлов бериш, асбобсозлик ишлаб чиқариши, машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш.

Ўқиш муддати —ихтисосга қараб 2,5 йилдан 3 йилгача.

Директор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), медицина справкаси (286-форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 4 та фосотурат (3х4 см. ҳажмда). Паспорт шахсан кўрсатилади.

Аълочилар, медали борлар, қабул имтиҳонига киритилган фанлардан мақтов қоғози бўлган абитуриентлар, шунингдек, соғлиғи, ёши ёки штат қисқариши туфайли СССР Қуролли Кучлари сафидан запасга бўшатилган офицерлар, прапоршчиклар, мичманлар (бўшатилгандан сўнг 2 йил давомида) техникумга кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар. Қолганлар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: рус (ўзбек) тили ва адабиёти — иншо ва математика (оғзаки).

Қабул қилиш қоидаси — ҳамма техникумлар учун умумий.

Мактабни, шаҳар ўрта ҳунар-техника билим юртини 4 ва 5 баҳолар билан тугатганлар кечки бўлимга ҳамма ихтисослар бўйича кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

Қабул тўғрисидаги маълумотларни техникум қабул комиссиясидан қуйидаги адресдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, 48-алоқа бўлими, Сельмаш кўчаси, 6-уй, (4, 14, 15, 27-трамвайларнинг «ТашМИ» бекати; 3, 8, 10, 16, 21, 48, 72-автобусларнинг «Ташсельмаш» заводи бекати). Телефонлар: 66-82-76, 66-83-57, шунингдек, техникум филиалларидан олиш мумкин:

«Ўзбексельмаш» заводида — Ж. Обидова кўчаси;

«Таштекстильмаш» заводида — Ш. Руставели кўчаси, 53«а»-уй. Телефон 53-94-56;

Тошкент трактор заводида — Ташавтомаш массиви. Телефон 69-83-97.

театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/X да **Аризасига кўра,** 29/X да **Ноинрабегим.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/X да **Ишонмасанг ўламан,** 29/X да **Олнфта.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва «Комедия цирки» артистларининг гастроллари** (19.30 да).

кино

28 ОКТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЕНҒИН ЧИҚИШИГА КИМ АЙБДОР?» — **С. Раҳимов номли.**
«ИМТИҲОН» — **Ғунча.**
«БУНИ ҲАММА БИЛИШИ ВА УДДАЛАШИ КЕРАК» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**
«ИЗЛАНИШ ВА ТАШВИШЛАР» — **С. Раҳимов номли.**
«БАМДА ИШЛАР ҚАЛАЙ?» — **Қозоғистон.**
«ОЧИҚ КЎНГИЛ БИЛАН» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**
«АЛАНГА» — **Чайка.**
«БИРДАМЛИК ҚЎШИҒИ» — **Кўпча.**
«ДЎСТЛИК БАЙРАМИ» — **Москва.**
«ХАВФЛИ САЁҲАТ» — **Пионер.**
«ЁШЛИК» — **Дружба.**
«ВОЛГА» — **Фестиваль.**
«ОҒИР БОШОҚ» — **Ҳамза номли.**
«МУДДАТДАН КЕЧИКТИРМАЙ» — **Янгиобод.**
«КОМСОМОЛ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЯРОСЛАВ МУДРИЙ» — **Искра** (17, 20.00, телефон 39-11-76), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (16, 20.00, телефон 33-44-52). **Ҳамза номли** (20.00, телефон 91-10-51).

29 ОКТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЕНҒИН ЧИҚИШИГА КИМ АЙБДОР?» — **Ғ. Ғулом номли.**
«ИМТИҲОН» — **Ғунча.**
«ИЗЛАНИШ ВА ТАШВИШЛАР» — **С. Раҳимов номли.**
«БУ ҲАҚДА БИЛИШИНГИЗ ШАРТ», «КОМСОМОЛ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**
«БАМДА ИШЛАР ҚАЛАЙ» — **Қозоғистон.**
«ОЧИҚ КЎНГИЛ БИЛАН» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги ном.ли.**
«ДЕНГИЗЧА ТУҒУН» — **Искра.**
«АЛАНГА» — **Чайка.**
«ХАВФЛИ САЁҲАТ» — **Пионер.**
«АСРЛАР ЧЕГАРАСИДА» — **Сергели.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЯРОСЛАВ МУДРИЙ» — **К. Ёрматов номли** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, телефон 22-22-66), **Искра** (17, 20.00, телефон 39-11-76), **Мир** (11, 14, 17, 20.00, телефон 91-08-30).

«ҚАРИНДОШЛАР» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

Главташкентстрой транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг 4-автотранспорт корхонасига

«МАЗ», «КРАЗ», «КамАЗ» ва «ЗИЛ» маркали автомобилларда ишлаш учун 1, 2, 3-класс ҳайдовчилари, ремонт ишчилари

КЕРАК

Тошкент шаҳри ва областида прописка қилинган ҳайдовчилар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — аҳолини ишга жойлаштириш марказий пункти.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

28 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.40 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 18.25 «Комсомолчасига, зарбдорчасига». ВЛКСМ XIX съезди номли Бутуниттифоқ отряднинг Тюмень қурилишларидаги иши ҳақида. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». Тарту университетининг 350 йиллигига. Кўрсатувда Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно иштирок этади. 20.20 «Николо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Ижодхонадаги учрашувлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 Кубань Давлат казаклар хорининг концерти.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Юлка». Бадиий фильм. 20.00 СССР халқ артисти О. Бардина иштирокида фильм-концерт. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Ўсимликлар олами». 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (Москва) — «Динамо» (Тбилиси). «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун мультфильм. 18.20 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ҳужжатли кино экрани». 19.00 «Фан уфқлари» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.50 «Икарлар». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.00 «Шеърият дафтаридан». А. Орипов. 20.30 «Ахборот». 20.55 И. Малаков, Ф. Баратова, Х. Умарова, Х. Султонов ижросида ўзбек халқ қўшиқлари. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Баҳс». Ахлоқий-этик мавзуда кўрсатув. 23.20 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Боғлар гуллаб-яшнасин». Телефильм. 18.25 «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси» (рус). 18.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.45 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Пахтакорлар хизматида» (рус.). 20.50 Комсомол туғилган кунга. «Тиниб-тинчимас комсомоллар». Ҳужжатли фильм. 21.30 МТ II.

29 ОКТЯБРЬ — ЖУМА

КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУН

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Мактаб ўқувчиларининг Ленин мукофоти лауреати, СССР Геология министрининг ўринбосари В. А. Ярмолюк билан учрашуви. 10.25 «Николо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.35 Приморье ўлкаси, Сахалин ва Камчатка областлари бадиий коллективларининг чиқиши. 12.00 «Мен — ўниччи». Ўт ўчирувчилик касби ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Комсомол туғилган кунга бағишланган ҳужжатли фильмлар.

16.30 «Рус тили». 17.00 «Москва комсомолининг ишлари». 17.30 «Ўсмирлар ижоди». 18.00 «Инсон —ер ҳўжайини». 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Комсомол — ёшлигим менинг». Концерт. 19.55 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 20.20 «Никколо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.30 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1975 йил». 19.55 Н. Некрасов. «Рус аёллари». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Хатларингиз асосида». Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 «Зацепилар оиласи». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 00.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати МАСК — «Крилья Советов». 3-давр. «Крилья Советов» Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевиденнесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Дўст бошга иш тушганда билинади». Қўғирчоқ фильм. 11.50 «Болалигим гулбаҳор» (такрорий). 12.30 Жамиятшунослик. Давлатнинг пайдо бўлиши ва моҳияти. 13.00 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак» (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол — ёшлигим менинг». Комсомол туғилган кунга бағишланган кўрсатув. 19.00 «Партия турмуши». Республика бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар йиғилишлари якунларига доир. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.50 «Нақшлар». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 20.00 «Дунё воқеалари». 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Кўнгиллилар». Бадиий фильм (рус.). 23.50 Янгиликлар.

МЕБЕЛЬ—ХОНАДОНИМИЗ КЎРКИ

ОШХОНАЛАР, КАБИНЕТЛАР, ЁТОҚ ВА МЕҲМОНХОНА УЧУН ҲАР ХИЛ МЕБЕЛЛАР КЕРАК БЎЛАДИ.

Агар мебель қулай ва чиройли бўлса, жуда ҳам яхши. Бу ҳолда сизнинг хонадонингиз ҳар томонлама қулай ва файзли кўринади.

Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочни қайта ишлаш саноати министрлиги ишлаб чиқараётган мебелларни сизнинг диққатингизга ҳавола қиламиз. Бу мебелларни «Ташхозторг» магазинларидан сотиб олишингиз мумкин:

«ЎЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» МЕБЕЛЬ САНОАТ БИРЛАШМАСИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИ:

овқатланиш столи. Баҳоси—38 сўм;

ёзув столи. Баҳоси —67 сўм.

СЕРГЕЛИ МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ:

идиш-товоқлар шкафи. Баҳоси — 169 сўм;

диван-каравот. Баҳоси — 130 сўм;
тахта (каравот). **Баҳоси — 120, 130 сўм;**
трюмо. Баҳоси — 80 сўм;
трельяж. Баҳоси — 130 сўм.

Шунингдек, Янгийўл ва Тошкент мебель ишлаб чиқариш бирлашмалари мебеллари:

бир ярим ўринли ва болалар каравотлари. Баҳоси —90 — 120 сўм.

Магазинлар адресини маълум қиламиз:

10 — Фарҳод ярмаркаси;
11 — Энгельс кўчаси, 46-уй;
20 — 2-ТТЗ уй-жой массиви, 2-уй;
25—Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси;
28 — Оқтепа майдони;
23 — Б. Хмельницкий кўчаси, 1-уй.

«ТАШХОЗТОРГ».

ЗАВҚЛИ ДАҚИҚАЛАР...

Ўйқудаги эртакдек ўтиб кетган отпуска кунларимизни баъзан афсусланиб эслаб қўямиз. Ўтиб кетган кунларимиздаги воқеаларни, орттирган янги дўстларимизни, бўлган жойларимизнинг табиатини хотирамизда эсга оламиз.

Агарда, «КВАРЦ»—1Х8С—2» ҳаваскорлик киносуратга олиш аппарати қўлингизда бўлганида эди, ана ўша завқли дақиқаларни яна бир марта мириқиб томоша қилган бўлур эдингиз.

Отпускага чиқаётган кишиларга ана шу ишлатишда ишончли ва муомалада содда бўлган киноаппаратни бирга олиб кетишингизни маслаҳат берамиз. Бу аппарат енгил (оғирлиги 1,1 килограммдан ошмайди) бўлиб, бежирим, рюкзакда ёки чемоданда кўп жойни эгалламайди. «Кварц» билан рангли ва оқ-қора плёнкаларда («Супер» форматли) кинофильмларни суратга олиш мумкин. Камерасида диафрагмани автоматик созлайдиган система ўрнатилган. Аппаратга «Метеор—8М—1» системасидаги объектив — трансфокатор ўрнатилган, фокус масофасини 9 дан 38 миллиметргача оҳиста ўзгартириш мумкин. Аппарат КС—8 ёки «КОДАК» типидаги кассета билан зарядланади.

Суратга олиш частотаси — секундига 8, 12, 18, 24, 32 кадрдан иборат.

Аппаратнинг приводи пружинали.

«КИЕВ—16У МОДЕЛЬ Э» киноаппарати малакали киноҳаваскорларга жуда манзур бўлмоқда. Бу кинокамера билан ҳужжатли, ижроли, мультипликацион кинофильмларни суратга олиш мумкин. Кинокамера суратга олиш ракурсини тез ўзгартириш имконини берадиган учта объектив билан таъминланган: умумий, ўрта ва йирик планли. Киноаппарат приводи—электрли (6—8 вольт кучланишдаги доимий токдаги электродвигателдан қувват олиб ишлайди). Озуқаланиш блоки зарядли қурилма ёрдамида 127 ёки 220 вольтли ўзгарувчан ток тармоғидан қувват олади. Суратга олиш частотаси — секундига 16, 24, 32 кадр ва битталаб кадрни суратга олади, ғалтагининг ўрами 30 метр. Визири оптик бўлиб, 12 марта катталаштиради. Кинокамеранинг оғирлиги 3 килограммгача.

КИНОҲАВАСКОРЛАР!

«Ташкультторг» магазинларида қуйидаги ҳаваскорлик киносуратга олиш аппаратлари сотувда бор:

«Кварц—1х8С—2», «Киев—16У модель Э», «Кварц—2х8С—3», «Аврора—10», «Аврора—12», «Аврора—215», «Ломо—214», «Альфа—ярим автомат», «Альфа».

Магазинлар адресини маълум қиламиз:

6/2 — Навоий кўчаси, шаҳар ярмаркаси.
11 — Сариқкўл кўчаси, 1-уй.
12 — Луначарский шоссеси.
10 — Муқимий кўчаси, 1-уй.
4 — Куйбишев шоссеси, 850-уй, Қўйлиқ.

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

---

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери— 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

28 ОКТЯБРЬ, 1982 й. Р—07450. Газета Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет босма усулида босилган. Тошкент шаҳри. В—2524 Индекс 64691.